ДЕФОЛИАЦИЯНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК
ТЕРИМ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИИЛ ЧИҚИШИ

№ 177 (4893).

7 СЕНТЯБРЬ ЖУМА 1973 ИИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

САМИМИЙ ТАШАККУР

КПСС Марказий Комитети номига совет кишиларидан ва меҳнат коллективларидан, шунингдек чет мамлакатлардаги қардош партиялардан, барча қитъалардаги давлат арбоблари ва айрим гражданлардан жуда кўп хат ва телеграммалар олинди. Ана шу дўстона мактубларда партия ва давлатимизнинг халқаро майдондаги йўлига юксак баҳо берилади, улар томонидан кўрилган ва кескинликни янада юмшатиш ҳамда умумий тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар маъқулланади. Шу билан бирга, жумладан, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш ўчун» халқаро Ленин мукофоти берилиши муносабати билан шахсан менинг шаънимга ҳам самимий табрик сўзлари изҳор қилинади.

Юборилган табрикномалар ва қутловлар учун КПСС Марказий Комитети номидан ва шахсан ўз номимдан самимий ташаккур ҳамда чуқур миннатдорчилик изҳор қилиб, аввало, совет ташқи сиёсатининг шак-шубҳасиз қўлга киритган муваффақиятлари бутун партиямиз фаолиятининг самараси, бутун халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати ва курашн натижаси эканлигини таъкидлаб ўтишни истайман.

Социалистик, чинакам тинчликсевар ва изчил демократик ташқи сиёсатимизнинг асосларини улуғ Ленин вужудга келтирган эди. Биз, совет коммунистлари Ленин ғояларини ва у ишлаб чиққан принципларни мустаҳкам дастур деб биламиз. Бу принципларга садоқат, уларни ижодий тарзда ривожлантириш ва татбиқ этиш ташқи сиёсий йўлимиз кучқудратининг битмас-туганмас манбаидир.

Сиёсатимиз мақсадларининг совет халқи манфаатларига тамомила мос эканлиги ва шу боисдан совет кишиларининг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамма ишларимизни чексиз қўллаб-қувватлаётганлиги — бу куч-қудратнинг яна бир энг муҳим манбаидир. Қишқи саройни қўлга олган ва Улуғ Ватан уруши йилларида революция ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилган кишиларнинг унутилмас жасорати, биринчи бош йилликлар зарбдорларининг қаҳрамонона бунёдкорлик меҳнати ва ҳозирги тинч шароитда коммунизм учун олиб борилаётган кураш қаҳрамонларининг зафарлари давлатимизнинг енгилмас куч-қудратини вужудга келтирди, ташқи сиёсатимизнинг ғоят зўр обрў қозонишини таъминлади.

Халқаро сиёсатимизнинг принципларини ва амалий ишларини бошқа мамлакатлардаги тинчликсевар жамоатчилик ҳам тобора кўпроқ қўллаб-қувватлаётганлигини қайд қилиб ўтиш ёқимлидир. Ана шу тинчликсевар жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши XXIV съездимизнинг белгилаган йўли, бу съездда қабул қилинган Тинчлик программасини амалга ошириш учун қилаётган конкрет ҳаракатларимиз тўғри эканлигини исбот этувчи яна бир далил бўлиб, бу программада кўйилган мақсадларга эришишнинг бўлган ишончнинг муҳим манбаидир.

КПСС Марказий Комитети номидан, Марказий Комитет Сиёсий Бюроси номидан ишонтириб айтаманки, биз партия Программасида, партия съездларининг қарорларида белгиланган принципиал синфий йўлни, тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга, коммунистик жамият қуриш учун халқаро майдонда энг яхши шарт-шароитларни яратишга қаратилган ташқи сиёсий йўлни бундан буён ҳам изчиллик билан ва оғишмай амалга ошираверамиз. Биз буни ўзимизнинг совет халқи олдидаги, ҳамма мамлакатлар меҳнаткашлари олдидаги революцион бурчимиз деб биламиз.

КПСС Марказий Комитетининг
Бош секретари
Л. БРЕЖНЕВ.

Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоздаги кўпгина механик-ҳайдовчилар мавсумда 100—150 тоннадан пахта териш мажбуриятини олишган. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун ҳозирдан бошлаб «пўлат от»ларини тўла ремонтдан чиқариб қўйишди. Суратда: (юқоридан пастга) илғор механизатор А. Исҳоқов ва А. Мустафоев ўртоқлар.

Х. АВВАЛОВ фотолари.





ЧЕВАР ТЕРИМЧИЛАР

ЯНГИЙЎЛ. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Районнинг илғор «Коммунизм» колхозида пахта йиғим-терими қизғин тус олди. Жуда кўп теримчилар мавсумда 10 тоннадан ошириб пахта териш ниятиёқи билан яшамоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадамижон Мадраҳимов, Зоҳир Тўйчиев бошлиқ ва бошқа илғор бригадаларда теримчилар кундалик нормаларини ошириб адо этмоқдалар. Раҳбар Акбарова, Мунаввар Маҳкамова каби чевар теримчилар дастлабки кунлари 60—70 килограммдан пахта терган эдилар. Эндиликда уларнинг ҳар бири 80—100 килограммга етказиб «оқ олтин» теришмоқда.

Колхозда кундан-кунга чевар теримчилар сони ортиб бормоқда. Пахтакорлар уруғлик пахтанинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олган ҳолда меҳнат қилишяпти.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИИЛ 6 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — Халқ хўжалиги планига нисбатан бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери.

Пискент	0,09	0,54
Янгийўл	0,11	0,26
Чиноз	0, 21	0,21
Бўка	0,15	0,15
Оққўрғон	—	—
Бекобод	—	—
Юқори Чирчиқ	—	—
Ўрта Чирчиқ	—	—
Область бўйича	0,05	0,11

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИИЛ 6 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери.

Бекобод	9,5	66,0
Юқори Чирчиқ	9,7	34,7
Бўка	8,2	33,0
Пискент	8,6	27,2
Янгийўл	6,4	20,7
Ўрта Чирчиқ	6,3	12,6
Чиноз	3,8	10,3
Оққўрғон	0,9	8,3
Область бўйича	6,3	26,7

ПАХТАМИЗ ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЎЛСИН

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, пахтакор совхозлар трести, „Ташзаготхлопкотрест“, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва сифати бўйича область инспекцияси, область халқ контроли комитетининг 1973 йилда тайёрланадиган ва қайта ишланадиган пахта ҳосилининг сифатини ошириш юзасидан белгилаган

ТАДБИРЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область партия комитети 1973 йилда тайёрланадиган пахта ҳосилининг сифатини ошириш юзасидан область қишлоқ хўжалик бошқармаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва сифати бўйича область инспекцияси, «Ташзаготхлопкотрест», «Узсельхозтехника» область бирлашмаси, область халқ контроли комитети, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, пахтакор колхоз ва совхозларнинг, пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларининг раҳбарларига тайёрланадиган пахта ҳосилининг сифатини ошириш юзасидан белгиланган тадбирларни бажаришни таъминлаш топширилди.

Пахта далалари бегона ўтлардан ўз вақтида тозалансин ва ғўзани дефолиация қилиш сифатли ўтказилсин. Дефолиантларнинг барча пахта майдонларига бир текисда сепилиши устидан назорат пухта ўрнатилсин.

Биринчи цикл дефолиация 10 сентябрдан кечиктирилмасдан тугаллансин.

Пахта териш, қўсак териш машиналари ва подборщикларнинг сифатли ремонт қилиниши устидан қатъий назорат қилиб турилсин, ремонт вақтида камчиликлари бўлган ва бузуқ пахта териш машиналарини, айниқса машиналарнинг сальники ва бошқа бирикмаларидан мой ёки ёнилғи оқиб турган машиналарни пахта теришига йўл қўйилмасин.

Ҳар бир пахта териш машинасини махсус комиссия томонидан акт билан қабул қилиниши таъминлансин.

Пахта териш, қуритиш, ташиш ва уни топширишда банд бўладиган бригада бошлиқлари, механик-ҳайдовчилар қўлда пахта терувчилар, пахта қабул қилувчилар, пахта топширувчилар ва бошқа ходимлар пахта теримига қадар инструкциядан ўтказилсин, пахтанинг давлат стандарти ва стандарт эталонлари билан таништирилсин.

Кўсакларнинг 60 процента очилганда биринчи машина терими бошлансин ва қўшимча равишда 20—30 процента очилганда иккинчи теримга киришилсин. Пахта териш машиналари ҳар гал ўтгандан кейин кетма-кет тўкилган пахталарни подборщиклар билан териб олиш ташкил қилинсин. Пахта териш машиналарига зарур миқдорда прицеп арава лар бириктириб қўйилсин.

Пахта териш машиналарининг сифатли ишлашини таъминлаш, очилган кўсаклардаги пахталарни тўлиқ териб олиш, пахтанинг ерга тўкилишини минимал даражада камайтириш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилсин. Бу вазифани бажариш учун пахта териш машиналари техник жиҳатдан доимо сифатли ишлашини таъминлаш, машина қисмларини созлашга тўлиқ риоя қилиш, шпинделларга пахта ўралиб қолишига ва қабул камераларига пахта тиқилишига йўл қўймаслик зарур.

Машина билан пахта териш вақтида пахтага, ғўза тупларига ва шпинделларга, съёмшчик чўткаларга, вентиляторларнинг ҳаракатлантирувчи тасмалари ва бошқа деталларга мой тегишига йўл қўймаслик зарур. Шу билан бирга яхши тўкилмаган далаларда ишлашга, барларнинг аралашиб кетишига ва ҳом пахта теришига йўл қўйилмасин, шунингдек сифати ҳар хил бўлган пахта подборщикларда терилган пахта аралаштириб юборилмасин. Машинада терилган пахтанинг қўлда терилган пахтага аралашиб кетишига йўл қўйилмасин.

Ёнилғи ва мойлаш материалларининг пахта хирмонларида ва унга яқин жойларда сақланишига йўл қўймаслик лозим.

Ҳом пахта ва давлат стандартларида белгиланган нормадан намлиги юқори бўлган пахтанинг терилишига, шунингдек, пахтанинг ғўза барглари билан ифлосланишига ва бошқа турли хас-чўплар билан ифлосланишига йўл қўймаслик зарур. Пахтанинг хирмонларда ифлосланишининг олдини олиш учун уни фақат брезент тўшамалар устига тўкиш керак.

Пахта тайёрлаш даврида намлигини тўғри анализ қилишни мунтазам текшириб бориш ва қабул қилинадиган пахтанинг кондицион оғирлигини тўғри ўлчашни мунтазам текшириб бориш керак.

Пахта сифати, намлиги ва ифлосланиш даражасига қараб хирмонларга ажратиб босиш таъминлансин.

Узоқ муддат сақланадиган пахта бунтларида зарур ишларни бажариш унинг дастлабки сифатини сақлаб қолиш учун барча ишлар адо этилсин, яъни вентиляторлар ўрнатилсин, нам пахталар қуритилсин.

1973 йилги пахта ҳосилининг СССР Енгил саноати министрлиги буйругида кўрсатилган ҳажмда барча пахта сортлари бўйича толанинг чиқишини аниқлаш юзасидан контроль ўрпатилсин.

Ишлаб чиқариш цехларида тозаликка риоя қилиш таъминлансин, пахта толасига бошқа предметларнинг тушиб қолишига давлат стандартида белгиланган нормалардан четга чиқишга йўл қўйилмасин. Пахта тойларининг маркировка қилинишига алоҳида эътибор берилсин.

Уруғлик пахтанинг далада апробация қилишни сифатли ўтказиш ва бу ишни ўз муддатида бажариш ташкил қилинсин. Унинг натижаларига қараб уруғлик пахтани териш ва топшириш нормалари белгилансин.

Малакали кадрларни ойлик курсларда ўқитиб-ўргатиш тадбирлари кўрилсин. Пахта заводларида ҳар ҳафтада «сифат куни» ўтказилсин.

АДИБЛАРНИНГ ОЛИЖАНОБ БУРЧИ

(ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ V КОНФЕРЕНЦИЯСИ).

ОЛМАОТА, 5 сентябрь. (ТАСС мухбири). Бугун бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг бешинчи конференцияси ўз ишини давом эттирди. Икки қитъа адиблари тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда мамлакатлар ва халқларнинг иштироки ҳамда ана шу ҳаётий муҳим ишда ёзувчиларнинг роли проблемаларини муҳокама қилмоқдалар. Конференция қатнашчилари ўз ижодлари билан мўътабар мақсадга—халқаро кескинликни юмшатишга хизмат қилишга тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар.

Дунёдаги турли мамлакатлар давлатлари, ҳукуматлари ва жамоат ташкилотлари бошлиқларидан анжуман номига келган ва унинг муваффақиятли, самарали ишлашига тилакдошлик билдирилган табрикномалар ўқиб эшиттирилади. Жумладан, Миср Араб Республикасининг президенти ва бош министри Анвар Садатдан, Ҳиндистон республикасининг бош министри Индира Гандидан, Сенегал республикасининг президенти Леопольд-Седар Сенгордан, Камерун бирлашган республикасининг президенти Амаду Ахиждан, Сомали демократик республикаси олий революцион кенгашининг президенти генерал Муҳаммад Сиад Барредан, Эрон бош министри А. Ҳувайдодан, Польша Халқ Республикаси давлат кенгашининг раиси Г. Яблоньскидан табрикномалар олинди.

5 сентябрдаги ялпи мажлисда Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмасининг бош секретари Юсуф Ас-Сибоий сўзга чиқди.

Жазоир ёзувчиси М. Маммағри икки буюк қитъанинг илғор адиблари тинчликсевар кучларни бирлаштириш ҳамда одамларни мустамлакачиликка қарши ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги олижаноб бурчларини адо этадилар, деб ишонч билдирди.

Нигер республикасидан келган ёзувчи Диадо Амаду Диадор ўз нутқини миллий озодлик учун олиб борилаётган курашнинг муҳим проблемаларига бағишлади.

Конференциянинг фахрий меҳмони Куба шоири Эфраин Надерога сўз берилади. Конференция кун тартибига Латин Америкасида озодлик йўлига кириб олган мамлакатлар учун ҳам қизиқарли бўлган масалалар киритилганлигини у мамнуният билан таъкидлади.

Конференцияда Сенегал, Сурия Араб Республикаси, Жанубий Вьетнам Республикаси, Ироқ республикаси, Чад республикаси, Кипр республикаси, Дагомея республикаси, Иордания хошимитлар қироллиги ёзувчилар ташкилотининг вакиллари ҳам нутқ сўзладилар.

5 сентябрда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари V конференциясининг қатнашчилари Ленин номли майдондаги В. И. Ленин ҳайкали ёнига келдилар. Адиблар монумент пойига гуллар қўйишди. Бир дақиқа сукут сақлаб, меҳнаткашлар йўлбошчиси хотирасини ҳурмат билан ёсга олдилар.

Шу куни ВДР, ЖВР, СССР, ГДР, МХР ёзувчилари Ҳинди-Хитой халқлари билан бирдамлик митингида қатнашдилар.

Митингда ВДР ёзувчиси Тю Ван, Жанубий Вьетнам Республикаси ёзувчилари делегациясининг раҳбари Фан Ти, ГДРдан келган адиб Х. Шарф, Монгол ёзувчиси П. Хорло ҳам сўзга чиқдилар. Совет шоири Е. Евтушенко қаҳрамон Вьетнам тўғрисидаги шъерларини ўқиб берди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА МАККАЖЎХОРИ ЎРИШ ВА ДОН ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА ШУ ИИЛ 6 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — ўрилгани (гектар ҳисобида), иккинчи стун — дон тайёрлаш (процент ҳисобида).

Чиноз	45,0	15,3
Бекобод	41,6	—
Оққўрғон	29,1	—
Пискент	28,3	—
Янгийўл	26,6	3,8
Юқори Чирчиқ	23,5	27,6
Ўрта Чирчиқ	21,7	14,4
Бўка	19,0	19,2
Калинин	14,1	—
Бўстонлиқ	13,0	—
Оҳангарон	6,4	—
Орджоникидзе	1,2	—
Область бўйича	21,9	5,7

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

Оқтепа турган фабрика кўчма Қизил байроғи цех бўйлаб гўё шуъла сочаётгандек туюлади кишига. Арқоқ-йигирув цехи коллективи июль ойи мусобақасида голиб чиқиб, фабрика кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Цех ишчилари орасида бошланган мусобақада эса коммунист Х. Салмаева бошлиқ бригада пешқадамликни қўлга киритди.

Арқоқ — йигирув цехи коммунистлари коллективлараро бошланган мусобақада актив иштирок этиб, ой сайин қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Цех партия ташкилоти 30 коммунистни ўз сафига бирлаштирган. Коммунистлар учта партия группасига бўлинишиб, меҳнат қилмоқдалар.

Цех партия ташкилоти социалистик мусобақани ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш устида алоҳида қайғураяпти. Олдинги ойларда бўлиб ўтган партия йиғилишларида илғорлар тажрибасини оммалаштириш, мусобақанинг оммавийлигини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш билан боғлиқ масалалар бир неча бор муҳокама қилинди. Партия йиғилишлари қарори асосида коммунистлар янги техника ва технологияни жорий этишда актив қатнашдилар. Улар кучи билан қисқа вақт ичида цехда П-76-5М маркали 138 та йигирув машинаси ўрнатилди. Ҳозир бу агрегатларнинг аксарияти лойиҳадаги қувват билан ишламоқда.

Цехда Казанцева методи асосида ишлаётган ишчилар сони ҳам кун сайин ошиб бормоқда. Ҳозир 43 йигируачи илғор тўқувчи тажрибасини ўз участкасида қўллаб, нормадаги 1050 ўрнига 1344 та урчуққа хизмат қилаяпти. Акмукова тажрибасини қўлланиш натижасида маҳсулотларнинг ҳаммаси биринчи сортлар билан топширилмоқда.

Ҳисобот даврида коммунистлар активлигини ошириш ва партия сафини ўстириш соҳасида ҳам алоҳида ғамхўрлик қилинди. Ҳозир коммунистларнинг кўпчилиги доимий партия топшириғига эгадир. Коммунистлардан Р. Алимуҳамедов, Х. Салмаева ўртоқлар цехда ташкил этилган иқтисодий билим асослари тўгарагида пропагандистлик қилмоқдалар. Т. Зайцева ва С. Еремеева эса редколлегия аъзосидир

ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Цехда ташкил этилган иқтисодий билим асослари тўгарагида бу йил 50 киши ўз малакасини оширди. Бундан ташқари, коммунистик меҳнат мактаби машғулотларига ҳам кўплаб коммунистлар жалб қилинди. Машғулотларда кекса йигирувчилар сўзга чиқиб, ёшларга ўз иш тажрибаларини сўзлаб бердилар.

Тошкент тўқимачилик комбинати 1-йигирув фабрикаси аркоқ-йигирув цехи коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган цех партия ташкилотининг секретари Р. Ф. Запороженко мана шу муваффақиятларни алоҳида тилга олиб ўтди. Бу ютуқлар социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш туфайли қўлга киритилаётганлигини таъкидлади.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан коммунистлардан В. Татаринцева, Р. Зубарева, М. Турсунхўжаев ва бошқалар айни пайтда ҳали бир қатор вазифалар қониқарли бажарилмаётганлигини эслатиб ўтдилар. Ҳисобот даврида партия йиғилишлари ўз муддатларида ўтиб турган бўлса-да, аммо йиғилишлар кун тартибига қўйилаётган масалалар айрим ҳолларда бир-бирига ўхшаб қолди. Йиғилишларда кўпроқ хўжалик ишлари муҳокама қилиниб, коммунистлар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш устида кам қайғурилди.

Цех коллективи бу йил ўз зиммасига юксак мажбуриятлар олиб ишламоқда. Йигирувчилар йиллик планни 30 декабргача бажариш, рационализаторлик таклифларини жорий этишдан минг сўмлик фойда олиш, олдинги йилларга нисбатан бу йил меҳнат унумдорлигини 1,2 процент ошириш, ўрнатилган йигирув машиналарининг ҳаммасини тўла қувват билан ишлатишга аҳд қилганлар. Бу вазифаларни уддасидан чиқиш учун яна бир қатор қўшимча тадбирларни амалга ошириш керак. Музокарада сўзга чиққан коммунистлар бу мажбуриятни муваффақиятли бажаришга имкон берувчи барча резервларни тўла ишга солиш лозимлигини уқдирдилар.

Йиғилишда цех партия ташкилотининг янги состави сайланди.

Ж. НОСИРОВ.



*

Бу қувноқ қизлар Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг энг уста чеварларидандир. Улар халқимиз учун кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни ой сайин кўпайтиришмоқда. Соцналистик мусобақага қўшилиб, меҳнат қилаётган бу чеварлар кундан-кунга қувончли ғалабаларни қўлга киритишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

*

БЕРУНИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА

БУЮК АЛЛОМА

БУНДАН ўн аср муқаддам ҳозирги Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида туғилган бу мутафаккир сиймо жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшди. Ҳа, Абу Райҳон Беруний йирик олим ва мутафаккир эди, астрономия, математика, геодезия, минералогия, картография, доришуносликка каби фанларда ажиб асарлар ёзиш билан бирга у етук адабиётшунос, таржимон ва шоир ҳамдир.

Беруний жуда кўп тилларни —араб, форс, юнон, қадимги ҳинд, санскрит тилларини ўрганиб асарлардан баҳраманд бўлади. Ёши 45 дан ошгандан сўнг қадимги ҳинд тили — санскритни ўрганиб, бу тилдан араб тилига, араб тилидан санскрит тилига китоблар таржима қилди.

Беруний даврида фан ҳозиргидек чуқур ҳар тарафлама ривожланмагани учун олимлар фаннинг бир неча турларини эгаллар ва шу соҳада ижод қилар эдилар. Беруний ҳам бир неча соҳаларга ойд асарлар ёзди: тарих, доричилик, астрономия, математика, минералогия, геодезия каби соҳаларда ижод қилди, ажойиб асарлар қолдирди.

БЕРУНИЙНИНГ йигирма етти ёшида ёзган «Ёдгорликлар» асарида Ўрта Осиё, форс, юнон, араб ва бошқа халқларнинг йилномалари, тарих ва географияси, об-ҳавоси, эътиқод ва урф-одатлари ҳақида маълумот берилган. Бу дастлабки асаридаги мулоҳазалар, фикр ва ўртага ташланган масалалар уни нақадар кучли, нақадар иқтидорли олим бўлиб етишганини кўрсатади.

Олим ижодининг хусусиятларидан бири шуки, у ижтимоий фанлардан кўра, аниқ фанлар, чунончи; астрономия, математика, минералогия, доричилик каби фанлар билан шуғулланган. Бу вақтларда Хоразмда фан ва маданият бирмунча ўсган, турли соҳа олимлари йиғилган жой бўлиб қолди. Ҳатто «донишмандлар уюшмаси» тузилади. Буни тарих китобларида «Маъмун академияси» дейилади.

Олимларнинг Хоразмдан чиққан довруғи теварак-атрофдаги мамлакатларга ҳам ёйилди. Ўша даврда анча кучайиб келаётган ғазнавийлар ҳокими фан ва маданият билан эътибор қозонайтган Хоразмга кўз олайтира бошлайди. Кейинчалик Хоразмшоҳга хат ёзиб, у ердаги олимларни Ғазнага юборишни сўрайди. Шу тариқа, 1017 йили Беруний бир неча бошқа олимлар қатори Ғазнага келиб қолади.

Маҳмуд Ғазнавий бу пайтларда Ҳиндистонга ҳужум қилиб, унинг Шимолий ўлкаларини қўлга киритган эди. Беруний Ҳиндистонга сафар қилади. У бу ерда ҳинд тарихи, адабиёти, фалсафасини ўрганишга киришади. Лекин у даврларда Беруний ўрганиши учун араб тилида адабиётлар йўқ эди. Шунинг учун қадимги ҳинд тили — санскритни ўрганади. Бу тилдан бир неча асарларни араб тилига, араб тилидаги бир мунча асарларни эса қадимги ҳинд тилига таржима қилади. Натижада у ўзининг «Ҳиндистон» асарини яратади.

Унинг бу асарини йирик мутахассислар, ҳатто Жавоҳарлаъл Неру ҳам ўқиб, унинг тўғри мулоҳаза юритганини мақтаган эдилар. Ўн уч йил давомида ёзилган бу асар қадимги ҳинд маданиятини ўрганувчилар учун жуда ажойиб китоб бўлиб қолди.

Берунийнинг яна бир катта асари астрономия ва математикага оид «Масъуд қонуни» китобидир. Уни шарқ астрономиясини ўзида акс эттирган ва Берунийнинг шахсий мулоҳазаларини замонамизгача олиб келган қимматбаҳо қомус деса бўлади. Асар ўн бир китобдан иборат бўлиб, ҳар бир китоб бир неча бобларга бўлинган.

Беруний астрономияга оид етмишта асар ёзган. Лекин уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган, жуда оз қисмигина дунёнинг турли-туман кутубхоналарида сақланиб қолган, холос.

Бизга етиб келмаган деб таъмин қилинган Берунийнинг «Астрономия калиди» («Мифтоҳа илми-л-ҳайъа») асари топилиб қолди. Бу китобда ернинг айланиш ҳаракати ҳақида тўхталиб ўтган. У «Ҳиндистон» асарида бу китобга аҳамият бериб шундай ёзган эди:

«Ернинг айланиш ҳаракати назарияси астрономия фанига ҳеч бир зарар келтирмайди, балки ерда юз берадиган ҳодисалар, унинг ҳаракати билан бирга бир текисда давом этаверади. Аммо, бошқа жиҳатлардан имкониятсизлик келиб чиқади. Бунинг учун ер ҳаракати проблемаси ҳал қилиниши энг қийин масалалардан ҳисобланади, қадимги олимлар ва улардан кейин етишган фозиллар унинг ҳаракат қилиш ва қилмаслиги ҳақида кўп чуқур гапирдилар. Биз «Астрономия калиди» («Мифтоҳа илми-л-ҳайъа» исмли китобда, сўзда эмас, мазмунда улардан кўпроқ гапирдик, деб гумон қиламиз».

Берунийнинг «Астрономияда қўлланадиган дастлабки тушунчалар ҳақида китоб»и ҳам машҳур «Масъуд асаримни,— дейди Беруний,— хоразмлик Ҳасаннинг қизи Райҳонанинг илтимосига кўра, тушунишга осон бўлсин учун савол ва жавоб тарзида тузидим». Бу асар муқаддимасида Абу Райҳон шундай ёзади: «Мен бу китобимни геометриядан бошладим, сўнгра ҳисоб ва сон, кейин оламнинг кўриниши ва тузилиши, ундан кейин астрология ҳақида ёздим. Чунки, мана шу тўртта фанни тўла ўзлаштирмаган кишилар юлдузшунос деган номга сазовор бўлолмайдилар».

КИТОБ беш юз ўттиз савол-жавобдан иборат. Дастлаб ўқувчига савол берилади, кейин унга қисқа жавоб қилинади. Бу асарнинг форсча бир нусхаси Тошкентда — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Асар ҳам араб, ҳам форс тилида тарқалган. Аслида арабча ёзилиб, кейин форсча қилинганми ё тескарисими — бу ҳозирча номаълум. Лекин бу асарнинг енгил, оммабоп қилиб ёзилганлиги учун бўлса керак, унинг нусхаси кўп тарқалган. Талантли берунийшунос ёш олим А. Абдураҳмонов уни рус ва ўзбек тилларига таржима қилмоқда, бу асар келажакда Беруний сайланмаларининг бирида нашр этилади.

Берунийнинг энг сўнгги йирик асари «Табобатда доричилик» бўлиб, «Сайдана» номи билан машҳур. Бу китобни муаллиф тугатаолмай вафот этган. Унда Беруний мингдан ортиқ доривор моддалар ҳақида маълумот йиққан. Асарнинг бир нусхаси 1927 йили Туркиянинг Бурса шаҳрида топилди, шу асосда берунийшунос олим Убайдулла Каримов таҳқидий материални тайёрлаб, русчага таржима этди.

А. ИРИСОВ.
филология фанлари кандидати.

ГАВҲАР ҚОШИҚ

Буюк олим Абу Райхон Беруний фанининг турли соҳаларида доно фикрларни олға суриш билан бирга, ибратомуз ҳикоятлар ҳам ёзиб қолдирди. Бу ҳикоятларида кишиларнинг аҳлоқ-одоби, юриш-туриши ва шу кабилар ҳақида ҳикоя қилади. «Гавҳар қошиқ» деб номланган ҳикоят ҳам қизиқиш билан ўқилади.

Халифа ал-Мутаваккил бир куни наврўз совғаларини қабул қилиш учун ўтирган экан, унга одамлар ҳар хил нафис маржонлардан ва зариф, камёб нарсалардан тақдим қилишди. Шунда унинг табиби Жибрил ибн Бахтишўъ кириб қолди.

Халифа у киши билан ҳамсуҳбат, ҳамулфат экан. Шунда халифа ундан:

— Хўш, бугунгиларга нима дейсан?— деб сўрабди.

— Бу ҳудди гадойларнинг тиламчилигига ўхшайди,— дебди у халифага,— улар келтираётган совғаларнинг ҳеч қайсисининг қадри йўқ. Кел энди мендаги нарсани қабул қил.

У шундай деди-ю, абғус дарахтидан ясалган бир қутичани чиқарди. Қутичага тилла ҳалқа югуртирилган эди. Ундан яшил жойи парчасини қўтарган эди, гавҳардан ясалган катта қошиқ, худди бир думли юлдуздек ярақлаб кетибди.

Табиб қутичани Халифа олдига қўйибди. Ал-Мутаваккил бундай қараса, бунақангисини ҳеч ҳам кўрмаган экан. Шунда Халифа ундан сўрабди:

— Булар қандай қилиб сенга тушиб қолди?

— Қўли очиқ одамлардан,— деб жавоб қилибди табиб ва воқеани гапириб берибди:

— Бу нарса отамга Умм жаъфар Зубайдадан қолган. Отамга бу Умм жаъфарнинг учта дардига даво топгани учун уч марта уч минг динордан берилган пул билан бирга ўтган.

Зубайда отамга томоқ оғриғидан шикоят қилган. Унга отам қон қуйишни буюрган, томоғини хўллаб туришни айтган, фақат мен буюрган тарзда тайёрлаган овқатнигина ейиш керак, деган. Бу билан отам насиҳатига кўра, овқат пиширибоқ, ажиб сифат бир чинни идишга солиб келишган. Ундан шу қошиқ бор эди. Отам менга қараб кўзини қисиб, қошиқни олишимга ишора қилди. Мен шундай қилдим-да, чакмонимга ўраб олдим. Хизматчи уни мендан тортиб олмоқчи бўлди.

Умм Жаъфар ҳодимга қараб:

— Унга яхши гапиргин, ўзи қайтариб берсин, ўрнига ўн минг динор бер,— деди. Мен кўнмадим. Шунда отам унга қараб:

— Сайёидам, ўғлим ҳеч ўгирликни қилмаган, биринчи марта номаъқулчилик қилганида уялтирманг, тағин юраги ёрилиб ўлмасин.— деди. У кулиб қошиқни мен билан отамга соға қилди.

Бунда қошиқнинг асли нимадан эканлиги айтилмаган бўлса ҳам, ҳикояда айтилганидек, порлаб товланиб туришидан унинг ёқутлигига далолат қилади.

Шундан сўнг Халифа хотинининг бошқа икки дарди ҳақида сўраган эди, у айтди:

— Нима бўлибдию, сарой ходимларидан бири унга, сайёидам, оғзингиздан ҳид чиқаябди, деб қолибди. Бу гапдан у шундай ҳам уялибдики, ундан гапни эшитишдан кўра, ўлганим яхшироқ эди, дебди. Шу билан уни асрагача оч қолдириб, сирсассиқ ҳидига чидай олмай бўғилибди, кўнгли айниб қусибди, шу тариқа уч кун давомида туриби, кейин унга:

—Энди сен бориб ўша оғзингиздан ҳид келаябди, деганга «куҳ» дегин-чи, ҳиди кетибди-йўқми,— дебди...

Уни жонҳалак қилган учинчи касал қаттиқ ҳиқичоқ тутиши экан. Ҳатто ҳиқичоқ овози ҳужрасидан ташқарига ҳам эшитилар экан. Шунда отам хизматчиларга буюриб, қасрнинг бурчак-бурчакларига сув тўлдирилган кўзаларни тиздириб қўйибди: ҳар бир орқасида бир хизматчи пойлаб турадиган, қачон хотини ҳиқичоқ тутса ўша заҳоти биров кулини-қўлига уриб чапак чаладиган, хизматчилар дарҳол идишларни саройнинг ўртасига улоқтириб юборадиган бўлибди. Хотини бу тунги шовқин-сурондан чўчиб уйғониб, ўрнидан сакраб турибди, шу тариқа унинг ҳиқичоғи тузалиб кетибди.

Арабчадан таржима.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 9-автомобил шиналарини ремонт қилиш заводининг ишчан коллективи республикамиз автомобиль хўжаликларининг оғирини енгилқилмоқда. Коллектив аъзолари шу йилнинг ўзида 42 минг дона автошина тайёрлаб беришди. Суратда: вулканизация-пресслаш участкасининг зарбдор ишчиси Адҳам Иброҳимов.

М. Нуриддинов фотоси.

СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ЯНГИ ПУНКТ

◆ **МОМОХОЛ. Задарё районида Дамкўл деб аталган пахта тайёрлаш пункти ишга туширилди. Бу пахта пункти қўриқ ердаги «Наманган» «Уйчи» совхозларидан ва яқин атрофдаги колхозлардан 10 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» қабул қилиб олиш учун мўлжалланган. Областдаги механизациялашган 38 пахта қабул қилиш пунктларининг ҳаммаси беш йилликнинг ҳал қилувчи йили ҳосилини тайёрлаш учун шай қилиб қўйилди.**

ҚИЗИЛ КАРВОН

◆ **ЖИЗЗАХ. Райондаги хўжаликлар янги пахта ҳосили ортилган қизил карвонни пахта тозалаш заводига жўнатишди. Давлатга дастлабки 300 тонна «оқ олтин» топширилди. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор, «Коммунизм» колхозидан У. Қўзибоев бригадасига дастлабки квитанция берилди. Бу бригада далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Деҳқонлар давлатга илгари белгиланганидек 260 тонна эмас, балки юз тонна кўп пахта топширишга ҳарор қилдилар. Жданов номли, «Москва», Карл Маркс номли колхозлар ва бошқа хўжаликлар қабул пунктига 10—15 тележкадан пахта жўнатдилар.**

Жиззах пахтакорлари беш йилликнинг учинчи йилида давлатга 60 минг тонна «оқ олтин» топширишга қарор қилдилар. Бу эса планда белгиланганидан ўн беш ярим минг тонна ва ўтган йилдагидан қарийб тўққиз минг тонна кўпдир.

АГРЕГАТЛАР ШАЙ

◆ **ЯНГИЕР. «Голодностепстрой» бошқармасига қарашли совхозлар бутун пахта териш техникасини ремонтдан чиқардилар. Уч ярим минга яқин «зангори кема»лар, тўкилган пахтани терадиган ва кўрак терадиган мингдан ортиқ машина теримга шай қилиб қўйилди. Ҳар бир пахта териш агрегатига икки-уч трактор прицепи бириктириб қўйилди. Машиналарнинг экипажлари икки сменада ишлаш учун механик-ҳайдовчилар билан таъминланди. Техника хизмати кўрсатадиган махсус отряд ва звеноларга машиналарга хизмат қилади ва ремонт ишлари билан шуғулланади. Бундай отряд ва звенолар совхозларнинг барча бўлимларида ташкил қилинди.**

Қўриқ ерлардаги хўжаликларнинг «зангори кема» капиталари пахта териш ва давлатга топшириш планини йигирма кунда бажаришни, бутун «оқ олтин» ҳосилини машиналар билан териб олишни мўлжалламоқдалар.

(ЎзТАГ).

Ижодкор

У бугун ҳам эрта уйғониб, ҳовлига тушди. Гулу-райҳонлар ҳидини уфураётган уйноқи сабо, сайроқи қушлар ҳонишни унга ҳузур бағишлади.

Мана, икки ой бўлди Совет Армияси сафидан қайтганига. Азим Тошкентини соғинганиданми, барвақт уйғониб, қадрдон табиат марҳаматидан баҳраманд. У ариқ ёқалаб боғ томонга юрди. Отаси Набижон ака одатдагидек қўлига ток қайчи олиб, бачки шохларни буташ билан овора. «Ҳа, анча қарибди» ҳаёлидан ўтказди у отасига меҳр билан тикилар экан. Сўнг маъюс уйга толди. Қўшниси Шокир отанинг сўзларини эслади

...Шаҳар айланиб қайтган Шавкат бир пиёла чой устида Шокир ота билан суҳбатлашиб қолди.

— Хўш, аскар йигит, бекорчилик ҳам жонга теккандир. Буёғига нима қилмоқчисан?— гапга тутди ота.

— Механизациялаш ва электрлаштириш техникумига ўқишга кирсам деган ниятдаман, отахон,— деди Шавкат ер чизиб.

— Болам,— деди ота вазмин оҳангда.— Ҳозирги ёшларимизнинг аксарияти шароит ҳам имкониятларини ҳисобга олмай, олий ўқув юртига киришга ҳаракат қиладилар. Мана, ўғлим Нурматни олиб кўрайлик. У ҳам ўрта мактабни тугатиб, чуқур ўйламай, политехника институтига ҳаракат қилди. Бўлмади. Сўнг заводга слесарь бўлиб ишга кирди. Янглишмаган экан, кам бўлмади. Ўз бахтини, ризқ-рўзини шу ердан топди. Олаётган маоши ҳам ўқимишли тенгқурларникидан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Маслаҳатим, бирор бир ҳунарни эгаллаб тут. Бир чети, отанг ҳам анча қариб, пенсия ёшига яқинлашиб қолди...

Отанинг гаплари Шавкатга қаттиқ таъсир қилди. Шу вақтгача фақат ўзи ҳақида ўйлабди-ю, ота-онаси, укалари тўғрисида...

...Бирданига эсган салқин шабада уни ўзига келтирди. Отаси билан саломлашиб, кун бўйи унинг ёнида ишлади. Эртасига Тошкент трактор заводига слесарь ёрдамчиси бўлиб ишга кирди. Икки ойдан сўнг ўз илтимосига кўра контрол-ўлчов асбоблари лабораториясига ўтказилди.

— Шавкат коллективимизга ишга келганида қўлида бирор бир ҳунари йўқ, оддий йигитча эди,— ҳикоя қилади устози Борис Сотников,— қисқа вақт ичида ишбилармонлиги, хушмуомилалиги орқасида навбатчи электрик касбини пухта эгаллади. Ҳозирги кунда ҳамкасблари уни «қўли гул йигит» деб чақиришади. Негаки, у ремонт қилаётган ўлчов асбобларини яхши ишлаши билан бошқаларникидан ажралиб туради.

Лабораторияга ходимлари заводдаги икки мингдан ортиқ ўлчов асбобини доимо бир меёрда ишлашини таъминлаб келмоқдалар. Ингитлар сидқидилдан меҳнат қилаётганликлари натижасида ҳар ойда пландаги 40 ўрнига 50 та ўлчов асбоби ремонт қилинаяпти. Бунда Шавкат Каримовнинг муносиб ҳиссаси бор.

У ўз касбининг устасигина эмас, яхши рационализатор ҳамдир. Очиғини айтиш керак, Каримов ишга келганида бу уятчанг йигит меҳнат унумдорлигини ошириш, иш шароитини яхшилаш билан боғлиқ бўлган кўплаб рационализаторлик таклифларини амалга оширади, деб ҳеч ким ўйламаган эди.

Аллақандай тажрибалар устида бош қотирадиган бўлиб қолди.

— Тинчликми, ука? Бир ойдан бери индамасроқ бўлиб қолдинг,— сўради ундан қизиқиб Борис.

— Кечирасиз,— деди Шавкат ўйчан — ўзингизга маълум, заводдаги кабеллар ишдан чиқса, касали каердалигини топиш учун баъзан 5—6 жойни ковлашга тўғри келади. «Нахотки ана шу касални аниқлаб берувчи бирор бир асбоб бўлмаса»?!— деб ўйлаб юрардим. Ўйлаб-ўйлаб, шу қидирув асбобини яратдим.

Чиндан ҳам Шавкатжон яратган бу ўлчов асбоби тажрибада муваффақиятли синовдан ўтиб, кенг қўлланила бошланди. Бу тадбир анчагина куч ва вақтни тежаш имконини берди.

Муваффақиятдан руҳланган ёш рационализатор бирин-кетин фойдали таклифларни ишлаб чиқаришга жорий қила бошлади. Шу кунга кадар унинг 20 га яқин таклифи жорий қилинди.

Ҳал қилувчи йилда заводда Шавкатга ўхшаган 285 рационализатор кўплаб таклифларни жорий қилиш устида ижодий изланиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Масалан, етти ой мобайнида рационализаторлик бюросига 280 та таклиф тушган эди. Шулардан 155 таси жорий қилинди ва 160 сўм фойда кўрилди. Бу муваффақиятда Горчинский, Злобин, Русаков, Грачев, Кулаков, Малков ва Манков каби илғор рационализаторларнинг муносиб ҳиссаси бор.

— Тўққизинчи беш йилликда,— дейди Шавкат — завод бўйича ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари ҳисобига 1.610.000 сўм фойда кўриш кўзда тутилган. Бу вазифанинг албатта уддасидан чиқамиз.

М. ҚАЮМОВ.

МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

Янги ўқув йили арафасида ўқувчилар ҳам, ота-оналар ҳам биринчи сентябрь тараддудида бўладилар. Дарсликлар, ўқув қуроллари сотиб олинади, ўқувчилар формалари ҳарид қилинади.

Бунда савдо ҳодимларининг муносиб, ҳиссалари бор, албатта. Ўқишлар олдидан жойларда мактаб бозорлари ташкил этилиб, савдо ишлари қизитиб юборилади.

Хўш, бу йил сентябрь олди мактаб бозорлари қандай ташкил этилди? Шу мақсадда биз Юқори Чирчиқ районида бўлиб, аҳвол билан яқиндан танишдик.

Очиғини айтганда, районда, унинг маркази Янгибозорда савдо-сотиқ ишлари кўнгилдагидек ташкил этилмади. Савдо ташкилотлари ишидан ота-оналар норози.

Гапни Янгибозордаги «Болалар дунёси» магазинидан бошлайқолайлик. Магазин ҳар куни харидорлар билан гавжум. Кўпчилик ўғил-қизлари билан бу ерга келган. Аммо, уларнинг руҳиятидан ота-оналарнинг ҳам, болаларнинг ҳам ҳурсандчилигини пайқаш қийин эди.

Биз ота-оналардан бири ўқитоқ Н. Эрматов билан суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, унинг 8 фарзанди бор экан. Шулардан 5 киши мактабда ўқийди. Ўқитоқ Н. Эрматов ўғил-қизлари учун ўқувчилар формаси сотиб олгани бу ерга келган эди.

— Формалар у ёқда турсин, ҳатто болаларнинг оддий шими, кўйлаги ҳам йўқ экан,— дейди у норози бўлиб.— Қизларимга ҳам керакли кийимларни топа олмадим...

Харидорларнинг эътирози ўринли эди.

— Харидорларнинг эҳтиёжини қондираолмаётганимиз рост,— тан олди магазин мудири ўқитоқ Г. Ўрозалиева.— Ўз оти билан «болалар дунёси» ку, аммо бизда болаларбоп кийим-кечаклар кам бўлади. Қизлар учун миллий куйлаклар, болалар сарочкалари, костюм ва польтолар, оёқ кийимларига ҳозир эҳтиёж катта. Начора, бизга бу хил моллар ўз вақтида етказиб берилмаётир.

Универмагда (директори Л. Сандаметова) аҳвол бундан ҳам ёмон эди. Райондаги энг йирик савдо марказ бўлсада, бу ерда ўқувчилар кийим-кечакларини, формаларини топиш қийин. Тўғри, универмаг томонидан ярмарка ташкил этилди. Аммо, у номигагина ишлаб турибди. Бу ерда савдо қилиш учун ҳеч қандай қулайлик йўқ. Бор-йўғи тўртта хона ажратилган. Аммо, улар ремонт талаб бўлиб ётибди. Моллари 3—4 хилдан ортмайди.

Ўқув қуроллари билан савдо қилувчи магазинга ҳам кўп киши кириб чиқиб турибди. Бироқ ўқув қуролларидан униси бўлса, буниси йўқ. Папка, кундалик дафтарлар, қора туш, галстук ва шунга ўхшаш зарур ўқув қуролларини топа олмайсиз бу ердан.

Район матлубот жамиятидаги ўртоқлар ўз вазифаларига масъулиятни ҳис этган ҳолда қараганларида бу соҳада ўтган йили йўл қўйилган камчиликлар бу сафар яна такрорланмаган бўларди. Вақт кутиб турмайди. Ўқув қуролларига талаб ва эҳтиёж катта. Буни матлуботчилар билишади-ку, лекин шунга яраша чора кўришмаяпти.

А.ТЎЛАГАНХЎЖАЕВ,
Область давлат савдо инспекциясининг катта инспектори.

Пахтакорлар хизматида

ОБЛАСТЬ кинофикациялаштириш бошқармаси жуда кўп тадбирларни амалга ошираётир. 278 та киноустановка ва 64 та кўчма кино деҳқонлар хизматида. Биргина Оққўрғон районининг ўзида 14 та кўчма киноустановка ишлаб турибди.

Областимизнинг барча колхоз ва совхозларига кино бошқармалари билан шартнома тузилар. Бу шартномага асосан колхозларнинг дала шийпонларида ҳар ҳафтада икки маротаба кино кўрсатилади. Кинофильмлар ўзбек тилига дубляж этилган. Киномеханиклар эртаиндин пахтакорлар ҳузурига йўл олишади.

Чинозлик У. Кудратов ҳам киномеханик, ҳам шофер бўлиб йигирма йилдан бери пахтакорларга хизмат қилади. У йил давомида пахтакорларнинг ҳурматига сазовор бўлиб, СССР кинематографияси аълочиси нишонини олди. Бўкалик У. Амзаев, бўстонликдан Ю. Горячих ўртоқлар ҳам эл хизматида.

БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Ҳозирги замон фан-техника революцияси ижтимоий ишлаб чиқаришни тезлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш жараёнларида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

КПСС XXIV съезди Директивларида кўрсатилганидек, тўққизинчи беш йилликнинг асосий вазифаси — социалистик ишлаб чиқаришни юқори суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техникани тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни тезлаштириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини янада юксалтиришни таъминлашдан иборатдир.

Ҳар қандай иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар фан-техника революциясидан ташқари бўлиши мумкин эмас. Социализм фан-техника тараққиётидан кенг фойдаланиш имконига эга. Аввало, бу имконият ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулклик формалари ҳукмронлигидан, экономиканинг планли ривожланишидан, халқ фаровонлигини ошириш учун фан-техника ютуқларидан оқилона фойдалана олишдан келиб чиқади. Фан-техника революцияси кенг маънода комплекс характерда бўлиб ишлаб чиқаришда сон ва сифат жиҳатдан катта ўзгаришлар ясайди, технологияда, меҳнат қуролларини такомиллаштиришда, иш фаолияти ва ишлаб чиқаришни бошқаришда асосий роль ўйнайди. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш, автоматлаш, қўл меҳнати процессларини машиналар зиммасига юклаш имкониятини яратади, бошқаришда электрон ҳисоблаш техникаси ҳамда алоқа воситаларидан кенг фойдаланиш имкониятини беради.

Бошқаришда электрон ҳисоблаш машиналарни, телекамера, телефон, диктофон ва бошқа аппаратларни қўллаш эса ўз навбатида бошқариш масалаларини оператив ҳал қилишни тезлаштиради. Бундай техника воситаларидан фойдаланиш меҳнат шароитини енгиллаштиришга, меҳнат сарф-харажатларини камайтиришга ҳам олиб келади, ишлаб чиқаришни бир меёрда, узлуксиз ташкил қилиш, хом ашё, меҳнат ресурслари ва пул маблағларидан оқилона, унумли фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беради.

Бошқарув ишларида техника воситаларини қўллаш бўйича Тошкент шаҳар корхоналарида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Йирик корхоналардан авиация ва кабель заводларида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматик бошқариб туриш системаси, оператив ҳисоб-китоб жорий қилинди. «Ўзбексельмаш», Тошкент трактор заводларида меҳнатни, ишлаб чиқариш ва хомашё материалларни ҳисоб-китоб қилиш механизациялаштирилиб, ишлаб чиқаришни оператив бошқариш жорий этилди.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Ташсельмаш» заводида эса «Минск-32» электрон-ҳисоблаш машинаси асосида АСУП системаси жорий қилинди. Бу система беш комплект ҳисоблаш информацион машинасидан иборат бўлиб, у 6 та асосий йирик вазифани бажаради. Бу вазифалар: ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан тайёрлаш, уни иқтисодий техникавий бўйича планлаштириш, бухгалтерия-ҳисобот, ишлаб чиқаришни оператив бошқариш, моддий-техника таъминоти ва маҳсулотларни реализация этиш ва уларни сотишни ҳисоблашдан иборат.

Ҳар бир вазифа ўз навбатида бир қанча масалаларни ўз ичига олган бўлиб, улар бир-бири билан боғлиқ равишда оператив ҳал қилиб борилади. Масалан, ишлаб чиқаришни оператив бошқариш системасида цехлараро деталларни ўз вақтида етказиб бериш, ҳар турдаги деталь ишлаб чиқаришни белгилаш ва уларни цехларга тақсимлаш оператив ҳал қилинади. Илгариги вақтда бу вазифаларни аниқлаш ва белгилаш учун ҳар куни директор планеркаси бўлар эди. Корхонада АСУП системаси жорий қилингандан сўнг бундай планеркалар бекор қилинди. Ҳозирги вақтда ҳар қайси асосий ишлаб чиқариш цехининг мастери эрталаб шу цех бўйича тайёрланиши зарур бўлган деталларнинг намуналарини олади. Бунда бир меёрда олиб борилади, маҳсулотлар сифатини яхшиланади.

Шуни айтиш керакки, «Ташсельмаш» заводида АСУП системасининг жорий этилиши ишлаб чиқаришни самарали бошқаришга ҳам кенг имкон яратди, техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилади, цехлараро алоқаларни оператив ҳал қилди. Шу билан бирга ишлаб чиқариш ўсиши билан бир вақтда бошқарув аппарати ходимлари сони стабиллигини сақлашга ҳам имкон берди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг саноатни бошқаришни янада такомиллаштиришга доир баъзи тадбирлар тўғрисидаги қарорида ҳам фан-техника тараққиёти асосида бошқаришни такомиллаштириш, бошқарув аппарати ишидаги оперативчиликни кучайтириш, йирик бирлашмалар ташкил қилиш лозимлиги таъкидлаб ўтилади. Йириклашган корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмаларининг тузилиши эса янги техника воситаларидан самарали фойдаланиш учун янада кенг имконият туғдиради, ишлаб чиқаришни бошқариш аппарати структурасини ҳам қисқартиради ва арзонлаштиради.

Фан-техника революцияси асосида бу каби муҳим тадбирларнинг амалга оширилиши ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш, кам меҳнат ва ресурс сарф қилиб, кўп маҳсулот олишга қаратилгандир.

Б. С. УМАРОВ,
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси.



ДАЛАЛАРДА ОЛТИН КУЗ. Боғбонлар, соҳибкорлар олтиндек товланувчи мева ва узумларни йиғиб олаяптилар. Областимизнинг Оржоникидзе районида айниқса мўл узум ҳосили етиштирилди. Ушбу суратда райондаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг токзорлари аке эттирилган. Колхоз соҳибкорлари бу йил планда белгиланганидан анча кўп узум тайёрлашни мўлжалламоқдалар. Олдинги планда моҳир узум узувчилардан Ш. Раҳсибоева ва Ш. Миртожиевалар.

А. АБАЛЯН фотоси.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ДЎСТЛАРИМИЗНИНГ ЮТУҚЛАРИ

ПРАГА. Шимолий Моравиянинг Острава шаҳрида Клемент Готвальд номли металлургия комбинати ҳақиқатан ҳам социалистик Чехословакиянинг илғор корхонаси ҳисобланади. Комбинат ҳузуридаги илмий тадқиқот институти унинг муваффақиятларига катта ҳисса қўшмоқда.

Комбинат олимлари шу йилнинг биринчи ярмида илмий тадқиқот ишларига доир 23 та масалани ҳал қилдилар. Шу тадқиқот натижаларининг жорий этилиши корхонага ҳар йили 16,5 миллион крон тежаб қолишга имкон беради.

Завод илмий тадқиқот институтининг ходимлари йилнинг иккинчи ярмида 37-та муҳим проблема юзасидан олиб борилаётган ишларни тугаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Комбинат цехларида шу тадқиқот, натижаларидан фойдаланилса, 60 миллион крон иқтисодий фойда олинади.

БУДАПЕШТ. Карл Маркс номли Будапешт иқтисодий институти шу кунларда ўзининг 25 йиллигини нишонламоқда. Ўтган чорак аср мобайнида институт Венгрия Халқ Республикасининг саноати, қишлоқ хўжалиги ва савдо органлари учун 15 мингга яқин мутахассис тайёрлади. Институтда жаҳондаги кўпгина мамлакатлардан, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган йигит-қизлар таълим олмоқда.

БЕРЛИН. Ильменау шаҳридаги олий техника мактаби бу йил ўзининг 20 йиллигини нишонламоқда. Шу ўтган давр ичида бу ерда минглаб мутахассис тайёрланди. Улар Германия Демократик Республикасининг халқ хўжалиги турли соҳаларида ва чет эллардаги муваффақиятли ишламоқдалар. Ҳозирги вақтда мактабда қарийб 2 минг студент турли ихтисосларни эгалламоқда. Олий мактаб коллективи Совет Иттифоқидаги олий ўқув юртлари билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Олий техника мактаби ҳузуридаги аспирантурада СССР, Болгария, ВДР, Мисрдан ва бошқа мамлакатлардан келган ёш олимлар таълим олмоқдалар.

ГАВАНА. Бу ерда стандартлар ва маҳсулот сифатини тадқиқ қилувчи марказ очилди. Унинг вазифаси хом ашёдан янада яхшироқ фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини ошириш шартларини ўрганишдан иборат. Марказ замонавий приборлар ва асбоблар билан жиҳозланган лабораторияларга эга. Шу лабораторияларда 50 га яқин инженер, химик ва бошқа мутахассислар ишлайдилар.

БУХАРЕСТ. Кейинги ўн йил ичида Руминияда йигирмадан ортиқ йирик мебель комбинатлари қурилди. Руминия Социалистик Республикаси чет мамлакатларга мебель етказиб бериш ҳажми жиҳатидан ҳозир жаҳонда олтинчи ўринда турибди. Бу мебелларнинг ярмидан кўпи социалистик мамлакатларга юборилмоқда. Совет Иттифоқи Руминиядан энг кўп мебель сотиб олаётган мамлакатдир. Руминия мебель экспортининг 40 процентдан кўпроғи Совет Иттифоқи ҳиссасига тўғри келади.

Республиканинг мебель корхоналари ҳар куни СССРга 40—50 вагон маҳсулот юбормоқда. Бу йил Совет Иттифоқи Руминиядан 5 минга ётоқ гарнитурлари, 17 мингдан зиёд ошхона, 22 мингта меҳмонхона гарнитурлари, шунингдек кўп миқдорда кухня мебеллари ва стуллар сотиб олади.

„СКАЙЛЭБ“ УЧМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 5 сентябрь. (ТАСС). Америка орбитал станцияси «Скайлэб» космонавтлари медицина экспериментлари ўтказишни, қуёшни кузатишни, табиий ресурсларни тадқиқ этишни, шунингдек Ер айрим районларининг фото сурати ва телевизион суратини олишни давом эттирмоқдалар.

Қуёшни икки кун кузатиш мобайнида тўртта чақнаш бўлганлиги қайд этилди. Қуёшнинг активлиги қуёш циклининг шу даврида кутилганидан анча юқори бўлганлиги ва шу активлик пасаймаётганлиги қайд этилди. Табиий ресурсларни навбатдаги тадқиқ этиш сеанси чоғида Чилидан шимолий Италиягача борувчи полоса кўздан кечирилди. Жумладан, Амазонка дарёсининг ҳавзаси ўрганилди, дарёнинг аэрофотосъёмка ёрдами билан яқиндагина топилган 60 километр узунликдаги ирмоғи суратга олинди.

Атлантика океани устидан учиш чоғида унинг биологик ресурслари тадқиқ этилди. Космонавтлар «Кристина» бўронини, шунингдек бундан бир неча кун аввал Мексика қўлтиғида пайдо бўлган «Делия» бўронининг фото суратини олишди.

«Скайлэб» станцияси иккинчи экипажининг 40-кун учишида космонавт А. Бин космик парвозда бўлиш умумий давомати бўйича жаҳон рекордидан ўтиб кетди. Аввалги рекордни станция биринчи экипажининг командири Ж. Конрад қўйган бўлиб, 49 кун 3 соат 38 минутга баравар эди. Бин «Скайлэб» иккинчи экипажининг командири сифатида учгунича «Аполлон-12» кемасида 10 кун 4 соат 36 минут учган эди.

ЧССР БИЛАН АҚШ ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАРГА ДОИР

ПРАГА, 5 сентябрь. (ТАСС). ЧССР ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири Я. Жантовский АҚШнинг ЧССРдаги муваққат ишлар вакили А. Уортселга нота топширди. Бу нотада ўзаро молиявий даъволар тўғрисидаги масалага бағишланган музокараларни 10 сентябрда Прагада бошлаш тўғрисида келишиб олинганлиги таъкидланган.

АҚШнинг ЧССРдаги муваққат ишлар вакилини ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек қабул қилиб, Чехословакия томонининг фикрича ўзаро молиявий даъволарни муваффақиятли ҳал этиш ЧССР билан АҚШ ўртасидаги иқтисодий ва маданий муносабатларни янада ривожлантиришнинг негизи бўлиб қолади, деб таъкидлади.

ХАЛҚ БИРЛИГИ ҲУКУМАТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

САНТЬЯГО, 5 сентябрь. (ТАСС). Сешанба куни Чили пойтахтида бўлиб ўтган жуда катта намойишда юз минглаб меҳнаткашлар иштирок этдилар. Улар Чилидаги президент сайловининг уч йиллигини нишонладилар. Бу сайлов натижасида президент Сальвадор Альенде бошчилигидаги Халқ бирлиги ҳукумати ҳокимиятни ўз қўлига олди. Тўқимачилар ва металлурглар, врачлар ва ўқитувчилар, студентлар ва мактаб ўқувчилари, теварак-атрофдаги кооперативларнинг ва ер ислоҳоти марказларининг деҳқонлари ҳукумат фаолияти билан ўзаларининг тўла бирдам эканликларини билдирдилар. Намойиш уч ярим соатдан ортиқ давом этди.

Чили меҳнаткашлари бирлашган касаба союз марказининг раиси Луис Фигероа журналистлар билан суҳбатда таъкидлаб ўтганидек, ишчилар ҳукуматга ўз ишончларини билдириш, уни ҳимоя қилишга қатъий қарор берганликларини изҳор этиш мақсадида кўчаларга чиқдилар.

ҲАМКОРЛИК УЧУН ЯХШИ ШАРТ-ШАРОИТ

ВАШИНГТОН, 5 сентябрь. ТАСС мухбири Ю. Левченко хабар беради:

Америка касаба союзлари совет меҳнаткашлари билан бевосита алоқаларни йўлга қўйишга катта эътибор бермоқдалар. 1,4 миллион аъзоси бўлган металлургия саноати ишчилари бирлашган касаба союзининг ўз делегациясини Совет Иттифоқига юбориш тўғрисидаги қарори бу кайфиятларни жуда яққол кўрсатди.

Делегация аъзоси, касаба союзи юридик бўлимининг мудири Ж. Шинэ касаба союз делегацияси КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШга қилган визити ва унинг АҚШ президенти Р. Никсон билан олиб борган музокараларидан кейин орадан кўп вақт ўтмай Совет Иттифоқига сафар қилиши жуда қувончли бир ҳол деб таърифлади. Ж. Шинэ юксак даражадаги учрашувлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтди ва бу учрашувлар «икки ўртада алоқа ўрнатиш учун зарур иқлим ва шарт-шароитларни» вужудга келтиради, ҳамжиҳатликни яхшилашга ёрдам беради, деб таъкидлади.

ЯНГИ ИНФОРМАЦИЯ АГЕНТЛИГИ

БУЭНОС-АЙРЕС. 5, Аргентина миллий информация агентлигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мамлакатдаги 54 та энг йирик газеталарнинг директорлари ана шу ҳақда келишиб олдилар. Бундан олдин мамлакат ҳукумати Америка информация агентликлари — ЮПИ ва АП агентликларига мамлакат ичида рўй бераётган воқеалар тўғрисидаги ахборотни Аргентинада тарқатишни тақиқловчи қарорни эълон қилган эди.

ҲИНДИСТОН ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ МИТИНГИ

ДЕҲЛИ, 5 сентябрь. (ТАСС). Тинчликсевар кучларнинг Москвада чақирилаётган жаҳон конгрессига бағишлаб бу ерда Ҳиндистон парламентининг аъзолари оммавий митинг ўтказишди. Жаҳон тинчлик кенгашининг бош секретари Ромеш Чандра митингда сўзлаган нутқида уқтириб айтдики, ҳозирги халқаро вазиятда жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй берганлиги туфайли тинчликсевар кучларнинг конгрессини чақириш мумкин бўлиб қолди. Қаҳрамон Вьетнам халқининг ғалабаси, халқаро кескинлик тобора кўпроқ юмшаб бораётганлиги, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш томон қўйилаётган қадамлар — мана шуларнинг ҳаммаси янги давр, халқаро ҳамкорлик ва тинч тотув яшаш давр бошланганлигидан дарак берди.


Ҳиндистон коммунистик партияси миллий кенгашининг секретари Бхупеш Гупта сўзга чиқиб, зўравонлик снёсатини ўтказишдан воз кечиш ва турли мамлакатлар ўртасида кенг савдо ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш тенденцияси ҳозирги халқаро вазиятнинг ривожланишидаги характерли белги бўлиб қолганлигини айтди. Шунинг учун ҳам, деди Б. Гупта, Ҳиндистон сингари мамлакатлар халқаро майдонда тобора катта роль ўйнаётганлиги ҳам ҳозирги пайтнинг характерли белгисидир.

Пировардида оммавий митинг қатнашчилари махсус резолюциялар қабул қилиб, бу резолюцияларда тинчликсевар кучларнинг Москвада ўтказиладиган жаҳон конгресси тинчлик, тараққиёт ва миллий озодлик кучларини бирлаштириш йўли билан катта босқич бўлади, деб бу конгресснинг чақирилишини табрикладилар.

СССР МЕҲНАТКАШЛАРИ НОМИГА

ЛИМА, 5 сентябрь. (ТАСС). Тинчлик ва суверенитет учун курашувчиларнинг Перу пойтахтида ўз ишини тамомлаган 1-умуммиллий учрашуви қатнашчилари Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, шунингдек, империалистик агрессияга қарши, тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт учун курашаётган барча халқлар номига табрикнома билан мурожаат қилдилар.

Тинчликсевар кучлар жаҳон конгрессини ўтказишга кўмаклашувчи Перу миллий комитетининг ташаббуси билан ўтказилган тинчлик ва суверенитет учун курашувчиларнинг биринчи умуммиллий учрашуви шу йил октябрь ойида Москвада ўтказиладиган ана шу тинчлик халқаро анжуманига тайёргарлик программасининг босқичларидан бири бўлди.



ГДР. Социалистик мамлакатлар ўртасида хўжалик алоқалари кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Суратда: Пистерицеда қурилаётган азот комбинатига Чехословакиядан келтирилган кимёвий реактор.

ТАСС фотохроникаси.

Граждан мудофааси ойлиги

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА УЮШҚОҚЛИК КЎРИГИ

Шаҳримизда граждан мудофааси ойлиги давом этяпти. Корхоналар, ташкилотларда ойликни намунали ўтказиш учун катта ташкилий ва оммавий ишлар қилинмоқда. Халқ ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

— Тарихни яратувчи, шу билан бирга тарихни сақловчи ҳам халқдир,— дейди Тошкент шаҳар ва область граждан мудофааси штаби бошлиғининг ўринбосари ўртоқ С. Ф. Кривопалов,— кенг халқ оммаси граждан мудофааси қонун-қоидаларини қанчалик яхши билса, ҳар қандай оғир келган чоғда ҳам қийинчиликни матонат билан енгиб, она-Ватан учун курашишга доимо куч, ғайрат ва шижоат топа олади.

Партия ва ҳукуматимиз жаҳонда тинч-тотув яшаш принципини олға суряпти. Жонажон Коммунистик партиямизнинг XXIV съезди тинчлик программасини ишлаб чиқди ва ҳаётга изчил татбиқ қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШ, Франция ва ГФРга сафарларидан сўнг совуқ уруш, шубҳасиз орқага чекинди. Аммо, бу билан порохни қуруқ сақлаш, граждан мудофаасини чуқур ўрганиш ортиқча бўлиб қолди, деган маъно чиқмайди.

Ҳаёт мураккаб жараён. У доимо янгиликка, кутилмаган воқеаларга бой. Тошкент зилзиласи, Зарафшон воқеаси, музликларнинг неча бор ҳуружи... Бу каби табиий офатларни бартараф этишда граждан мудофааси сардорлари жуда катта хизмат қилдилар. Кишилар ҳаётини сақлаб қолишда, шаҳарни тозалашда, эл-юрт мулкини эҳтиёт қилишда халқ «қўшини»нинг хизмати ниҳоятда катта бўлди.

Она-Ватан кенгликлари, ери, сувини ҳимоя қилишда граждан мудофааси отрядлари ҳар қандай қийин аҳволда ҳам фаол ҳаракат қилишга, матонат билан курашишга тайёр. Шаҳар ва область граждан мудофаасининг штаби уларнинг назарий ва практик билимларини мустаҳкамлаш йўлида жуда кўп тадбирлар кўраяпти.

Граждан мудофаасини билимларини кенг оммалаштиришда кино кўрсатувларининг хизмати катталиги ҳаммага маълум. Шу сабабли кинотеатр, маданият уйлари, ташкилотларнинг клублари, кўчма клублар орқали 200 дан ортиқ киносеанслар кўрсатилди. Шунингдек, корхоналарда, Пушкин, Тельман, Горький номли, «Ўзбекистон комсомолининг 40 йиллиги» сайл боғларида уюштирилган кинолекторий, тематик кечалар, ҳафталикдар оммa орасида қизиқиш уйғотди. Аҳолининг бу соҳадаги тушунчасини кенгайтириш, билимини чуқурлаштиришда алоҳида аҳамият касб этди.

Граждан мудофааси ойлиги ўтаётган ҳозирги кунда жойларда бу мавзуга бағишлаб махсус кечалар, тадбирлар ўтказилмоқда. 9 сентябрь — граждан мудофааси куни деб эълон қилинди. Тадбирни Ленин комсомоли номли кўлда ўтказишга қарор қилинди. Бу кун бутун корхона, ташкилот, ўқув юртлари граждан мудофааси бўйича назарий ва практик билимларини намойиш этадилар.

Белгиланган тадбир эрталаб соат 10 дан бошланади. Кўлнинг чап қирғоғида «Ялпи қирғин қуролидан ҳимояланиш» деган темада катта кўргазма ташкил этилади. Худди шу ерда корхона, ташкилотлардан келтирилган актив-лар оммавий қўролдан ҳимояланиш бўйича кўргазмали машқлар бажарилади. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг дружинаси аъзолари тушунтириш ва консультация ишларини олиб борадилар. Шунингдек, корхона, ташкилот коллективлари разведкачи группалари радиациядан зарарланган территорияни ўрганиб, аҳолига йўл очадилар, дегазация, дезактивация қиладилар. Бу группадаги кишилар замонавий аппаратлар билан қуролланишган бўлади.

Ўт ўчирувчи группалар махсус машиналарда ўз маҳоратларини кўрсатишади. Қатор группалар жамоат тартибини сақлаш билан шуғулланишади.

Бу кун граждан мудофаасининг бутун жиҳозлари сайлгоҳга келтирилади. Халқ ядро қуролидан ҳимояланишнинг барча усуллари билан танишиб, кўникма ҳосил қилади.

Б. ПЎЛАТОВ.

СЕНИ ИЗЛАБ...

ЯНГИ КИНО

«Ўзбекфильм» киностудиясининг ижодий коллективи томонидан яратилган янги картина «Сени излаб...» деб аталади. Унинг сценарийсини таниқли адабиётшунос олим Иззат Султон ёзган. Постановкачи-режиссёр Альберт Хачатуров фильмни экранлаштирган.

— Жамоат ўртасида ўз ўрнини топа билиш киши учун катта бахт ҳисобланади. Чунки, инсоннинг инсонга бўлган муносабати орқали унинг кимлигини билиб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу мавзу ҳамиша мени қизиқтириб келади,— дея ҳикоя қилади «Сенинг изларинг» (Р. Ботиров билан бирга), «Виждон амри билан», «Фарҳоднинг жасорати», «Саратон» фильмлари орқали томошабинларга яхши таниш бўлган режиссёр Альберт Хачатуров.— Шу боисдан бўлса керак, икки кишининг мураккаб севгиси тарихини акс эттирувчи Иззат Султон сценарийсини ўқиб чиқиб, уни экранлаштиришга аҳд қилдим.


...Қримдаги оромгоҳлардан бирида дам олиб юрган Малоҳат кутилмаганда Комилни учратиб қолади. Қиз бу учрашувдан ҳаяжонга тушади. Чунки, талантли архитектор йигит ўзидаги гайрат ва шижоат билан қизнинг ҳавасини келтирган, уни ҳам ижодий ишлар сари руҳлантирган эди. Аввалига иш жуда осон кўчгандек кўринади. Шу сабабли қаҳрамонларнинг кейинги тақдири тўғрисида бош қотириб ўтиришнинг ҳожати йўқдек туюлади. Бироқ, барча синовлар ҳали олдинда эди.

Малоҳат ўзи яшаб турган тоғ қишлоғини қайта қуриш проектининг автори Комил эканлигини билмасди. Бу лойиҳада қишлоқдаги уйлар тоғ ёнбағрига қурилгани ва унда яшовчиларни ёзги жазирама қуёшдан, қишки қаҳратон совуқдан сақлаш ҳисобга олинган эди. Лойиҳалаш институти Комил тузган проектни қабул қилмайди. Уни иқтисодий жиҳатдан тежамсиз ва мақсадга номувофиқ деб топади. Директор Қодиров бу янгиликдан қўрқади. У тоғ шароитидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олмай, қулай ва арзон битадиган ягона типовой проектга ёпишиб олган ҳолда иш кўрмоқчи бўлади.

Колхоз раиси Ҳакимова топшириғи билан Малоҳат правление аъзоси сифатида мақсадга мос тушадиган эски лойиҳани ҳимоя қилиш юзасидан Самарқандга боради. У қишлоқни қайта қуришда атроф муҳитни ҳам ҳисобга олишни айтмоқчи. Бу ерда у ўзининг яқин дўсти Комилни учратади. Йигит бу вақтда жуда ўзгариб кетган, ҳаётга нисбатан қизиқишини йўқотган, турмушга ва ишига лоқайдлик билан қарайдиган даражага тушиб қолган эди.

Малоҳат йигитдаги бу ўзгаришни кўриб гоят ташвишланади. У бутун куч ва иродасини ишга солиб Комилни ҳимоя қилади. Қиз уни юпатади, илҳомлантиради ва лойиҳасининг тўғрилигига ишонтиради. Комил тузган лойиҳа асосида барпо қилинадиган қурилиш маҳаллий аҳоли учун фойдали ҳамда зарур эканлигини яна бир бор таъкидлайди ва бу муҳим лойиҳани қаттиқ туриб ҳимоя қилишни Комилдан талаб қилади.

Шундай қилиб кескин тортишув ва курашдан сўнг Малоҳат Комилнинг лойиҳаси тасдиқланишига эришади. У энди шодхуррамлик билан ўз қишлоғига қайтиб кетади. Комил бўлса Малоҳат жўнаб кетгандан кейин ўзига келади, яъни у матонатли қизнинг ўз ҳаётида ўйнаган роли ва тутган ўрни ҳақида ўйлайди. Қиз унинг қалбидан бир умрга жой эгаллаганини сезади. Орадан бир муича вақт ўтгач, Комил қишлоқда



юрган пайтида уни «Сурайё» фильмидаги бош ролга таклиф қилишган эди. Шундай қилиб Норбоеванинг кинодаги дебюти сахнадаги дебюти билан бир пайтга тўғри келган. Ҳозирда у Ҳамза номли ўзбек академик драма театрининг истеъдодли актрисаларидан бири ҳисобланади.

Булардан ташқари Ойдин Норбоева «Нафосат» (Хадича), «Фидойи» (Замира) ва бошқа кўпгина картиналарда эсда қоларли образлар яратган. У «26-отилмасин» фильмида ижро этган Нодия роли учун республика Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлган.

Бу фильмда шунингдек артистлардан Набӣ Раҳимов, Ёқуб Аҳмедов, Аида Юнусова, В. Леоновлар ҳам қатнашади.

Бош оператор Абдураҳим Исмоилов воқеаларни лентага кўчирган. Композитор Равиль Бильданов фильм руҳига мос музика басталаган.

«Ўзбекфильм» коллективи яратган бу фильм замондошларимиз ҳаётидан ҳикоя қилиш ҳамда умумхалқ манфаатини кўзловчи актуал проблемаларни кўтариб чиқиши билан ҳам диққатга сазовордир.

Ш. МИРЗАЖОНОВ.

Суратда: фильмдан кадр.


ЯХШИ ДАМ ОЛИШДИЛАР

Пойтахтимиздаги саноат корхоналарида ишлаётган ишчи ва хизматчилар ўз меҳнат отпускаларини мамлакатимизнинг турли дам олиш уйлари ва санаторийларида ўтказмоқдалар. Яқинда «Ўзбексельмаш», «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш», «Подъёмник» заводларининг бир группа ишчи-хизматчилари ўз меҳнат отпускаларини марказий санаторийларда ўтказиб қайтишди. Кисловодск, Сочи, Ялта, Железноводск ва бошқа марказий санаторийларда юздан ортиқ ишчи ва хизматчи ўз меҳнат отпускаларини ўтказди. Ишчиларимиз чет элларга ҳам сафар қилишаётир. Яқинда пойтахтимизнинг бир группа ишчилари ва инженерлари Германия Демократик Республикасида ва Болгария Халқ Республикасида бўлишди.

Янги 1973—1974 ўқув йилининг биринчи кунида шаҳримизда ўнга яқин янги мактаб эшиклари кенг очилди. Пойтахтнинг Беруний кўчасида қад кўтарган мактабда ҳам ўқишлар зўр уюшқоқлик билан бошланиб кетди.

Суратда: мактабнинг умумий кўриниши.

М. Нуриддинов фотоси.



ВИСТАВКАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига бинокорлар келишди. Улар бу ерга экскурсия ёки тажриба алмаштириш учун эмас, балки виставка биносини кенгайтириш учун келдилар. Виставка Бўсувинг ўнг ва сўл қирғоқларида яна 9 гектар майдонни эгаллайди.

Бўсув остида узунлиги 30 метрдан иборат темир-бетон кўприк қурилди. Ўнг қирғоқда икки қаватли бино қад кўтарди. Майдони икки ярим минг квадрат метр чамаси бу бино деярли асосий корпусга тенглашади.

Яна битта каттароқ кўприк қуриш учун майдон тайёрланмоқда. Иккита павильон қуриш учун тегишли ҳужжатлар топширилди. Бу павильонлардан ҳар бири тўққиз юз квадрат метр ривожлантириш соҳасидаги муваффақиятларни кўрсатиш учун ажратилади. Томошабинлар янги пахта навларинигина эмас, шу билан бирга айрим хўжаликларнинг ишлари билан, колхоз ва совхозларга юборилаётган машиналар ва механизмлар комплекси билан ҳам танишадилар.

Иккинчи павильон республиканинг енгил саноатини, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноатини, маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришда эришилган муваффақиятларини тасвирлайди.

Янги бинолар қуриб битказилгандан кейин мавжуд павильонлардаги экспозицияларни қайта жойлаштириш имконияти туғилади. Асосий корпусда республиканинг тарихий ўтмиши кенгроқ кўрсатилади. Оғир индустрия, фан, халқ маорифини кўрсатувчи бўлимлар кенгайтирилади. Макетлар, диаграммалар, электлаштирилган карталар ва бошқа экспонатлар ёнига ишлаб турган станоклар ва поток линиялар қўйилади. Асосий павильонда ва бошқа павильонларда ўрнатиладиган мовий экранлар виставка марказий телевизион узели билан туташтирилади.

Павильонлардан бири қишлоқ қурилишида эришилган муваффақиятларни тасвирлайди. Деҳқонлар ва чорвадорлар учун янги уй-жой бинокорининг республика кўригида биринчи ўринни эгаллаган фрагментларини қўйилади.

Каналнинг ўнг соҳилида магазинлар, дам олиш уйлари қурилади, ховузлар ва фонтанлар бўлади.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини кенгайтиришнинг биринчи навбатдаги ишлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги байрамигача тугалланади. Бу эса виставканинг шу вақтда ишлонадиган ўн йиллиги учун муносиб совға бўлади. Виставка кенгайиб, ўзининг моддий базасини мустаҳкамлагандан кейин республиканинг ғалабаларини, меҳнаткашларга баҳодирона куч бағишлаган ленинча халқлар дўстлигининг улуғворлигини янада равшан ва сермазмуни қилиб тасвирлайди.

(ЎзТАГ).

КУЗГИЛАР

Ов хўжаликларида кузги овга тайёргарлик қизиб кетди. Овчилар кузги-қишки мавсумнинг очилишини сабрсизлик билан кутмоқдалар.

Бу йилги мавсумга хўжалик парнинг егор составлари яхши шайландилар: меҳмонларни қабул қилиб оладиган уйчалар ва вагончалар ремонтдан чиқарилди, кичик флотилия-қайиқчилар тартибга келтирилди.

Ҳар бир овчи қўлига қуролни олишдан аввал бу йилги мавсумнинг айрим ўзига хос жиҳатлари билан танишиб чиқмоғи лозим.

Бу йил ҳамма жойда ҳафтанинг сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ов қилишга рухсат берилмайди. Ҳар бир ов ҳайвонлари учун ов қилишнинг турли муддатлари ва нормалари белгиланган. Масалан, 17 августдан бедана, каптар ва ёввойи мусичаларни отиш бошланди. Уларни 15 ноябргача ов қилиш мумкин.

Бизда ҳаммадан ҳам чўпда, сувда сузиб юрувчи ва ботқоқда яшовчи қушларни овлаш кенг тарқалган. Ўрдак, чуррак лойхўрак, кўлбақа ва бошқа қушларни овлаш мавсуми 15 сентябрдан бошланиб 15 декабргача давом этади.

Тоғ ови ҳаваскорлари ўз бахтларини 13 октябрдан 15 декабргача синаб кўришлари мумкин: каклик ларни овлашга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлат ўрмон комитетининг ижозати билан рухсат этилади.

Йирик ҳайвонлар-қобонларни отиш мавсуми 1 октябрдан 31 декабргача. Қобонларни фақат лицензиялари бор кишилар ота оладилар, бўрсиқ ва жайраларни юқоридаги муддатларда эркин отиш мумкин. Ов хўжаликларида қўёнларни овлашга рухсат берилди.

Кўпчиликни қизиқтирган тулки, ёввойи мушук, оқсусар каби мўйнали ҳайвонларни овлаш шу йил 1 ноябрдан бошланиб, келгуси йилнинг 1 февралигача давом эттириладн. Ондатраларни қопқон қўйиб тутишгагина рухсат берилади. Бунда овчилар Ўзбекбирлашувининг тайёрлов конторалариға мўйнани топшириш юзасидан шартнома тузган бўлишлари керак. Мўйналн ҳайвонларни 15 октябрдан 31 январгача овлаш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, қимматбаҳо мўйна ҳайвони-ондатрани қонунсиз тутгани ёки ўлдирганлиги учун айбдордан ҳар бир бош ҳайвои учун 50 сўм жарима олинади. Ов инспекцияси маъмурий йўл билан 25 сўмдан 50 сўмгача соладиган жарима бу ҳисобга кирмайди.

Қисқаси, ҳар бир ов ишқибоз табиат қўйнига жўнашдан олдин район ва шаҳар жамиятларига кириб ов мавсумининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида батафсил билиб олишлари керак.

Спорт ови туфайли инсон жисмоний жиҳатдан яхши чиниқиб, кўнгилли дам олади. Айни чоқда ҳайвонлар ва қушларнинг ҳаёти билан яқиндан танишади. Ҳақиқий овчи табиатнинг чинакам дўсти ва кўриқловчиси ҳамдир.

М. МАХМУТОВ.
давлат овчилик назоратининг жамоатчи инспектори.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига 1973 йил учун обуна бошланди. Обуна барча алоқа бўлимларида, корхона ва қурилишлар, колхоз-совхозлар ва муассасаларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Газетанинг уч ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, олти ойга — 2 сўм 64 тийин, бир йилга 5 сўм 28 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Спорт

УЧЧАЛА ЎЙИН ДУРАНГ

«Пахтакор» футболчиларининг Корея Халқ Демократик Республикасига қилган сафари тугади. Футболчиларимиз дўст мамлакатда учта ўртоқлик учрашувн ўтказидилар. Шуниси характерлики, бу уччала учрашув ҳам 0:0 ҳисобида дуранг натижа берди. Пахтакорчилар сафида команда капитани Абдураимов, ярим ҳимоячи Иванов каби қатор ўйинчилар йўқ эди.

Йигитларимиз эртага Совет Иттифоқи чемпионатининг календарь учрашувнни Донецк шаҳрида ўтказадилар.


МЮЛЛЕРНИНГ ТУПИ

СССР ва ГФР терма командаларининг Москвада бўлган ўртоқлик ўйини 1:0 ҳисобида меҳмонларнинг фойдасига тугади. Бу тўпни 62-минутда Европа чемпионларининг марказий ҳужумчиси Мюллер киритди. Ишқибозлар бу мерганнинг ўтган йили бўлган иккита учрашувда ҳам ўзини кўрсатганлигини яхши эслайдилар. Ўшанда Мюллер ҳар учрашувда учтадан тўп киритган эди. Совет командаси кучли рақиби билан тенгма-тенг беллашган бўлсада, ҳужумчиларимиз ҳал қилувчи дақиқаларда қатъийлик ва маҳорат кўрсата олмадилар. Блохининг зарбаси бир марта штангадан қайтди. Жаҳон чемпионатининг финалига чиқиш учун Чили билан бўладиган масъулиятли ўйин олдидан совет командаси қуйидаги футболчиларни синовдан ўтказди: Пильгуй, Дзодзуашвили, Капличний, Фоменко, Ловчев, Мунтян Колотов (Андрианов), Коньков (Васенин), Блохин, Еврюжихин, Онишченко.

ЧЕМПИОН ЯНА ЮТДИ

Профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони америкалик Жорж Форшин Японияда ўзининг фахрий номини ҳимоя қилди. У чемпионликка даъвогар Жо Роман билан учрашиб биринчи раундаёқ катта устунлигини кўрсатди. Унинг рақиби Форшининг икки зарбасидан сўнг оғир нокаут олиб, полга йиқилиб қолди. Бундан илгари Формен собиқ жаҳон чемпиони Фрэзерни ҳам шу тарзда осон мағлубиятга учратган эди.

Реклама ва эълонлар



БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.25 — Ахборот. 19.40 — Ёзувчи ва замон. 20.10 **Ўзбекистон** (тележурнал). 20.20 — Ўн минут музика. 20.30 Ахборот. 20.50 — Ота-оналар университети. 21.20 — «Ўзбекистон чорвадорлари». 21.50 — Балет ҳақида. 23.00 — **Совет Молдавияси** (телефильм). 24.00 — МОСКВА. «Вақт». **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.30 — МОСКВА. 18.55 — Концерт. 19.25 — Спорт кўрсатуви. 19.55 — Ўтмиш киноленталари. 21.10 — Болгария телестудиясининг программаси. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Ватандан узоқда** (бадиий фильм). 20.50 — **Қонли тўй** (телеспектакль).



ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7ДХ да **Абу Райҳон Беруний**, 8ДХ да **Алишер Навоий**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7ДХ да **Паранжи сирлари**.

ҚИШКИ БИНОДА

Решма ва Шера: Шахсий уйингиз — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45).

Бошсиз чавандоз — «ВОСТОК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «ЧАПАЙ» (12.00, 17.00, 19.00), «МОСКВА» (11.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.45).

Михай ботир — (2 серия) — «СПУТНИК» (12.00, 13.00, 16.00, 17.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — «ҚЎҚЧА» (11.00, 14.00, 17.20 20.30), НАВОИЙ номли (10.40, 14.00, 17.00, 20.20).

Тасодифий адрес — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (11.00, 15.00, 19.00, 21.00).

Бўғиздаги тош — (10.30, 15.00, 19.30), **Ҳур қизлар** (12.00, 16.30, 21.00) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Қора синглим учун оқ гуллар — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Сенинг ҳам бошингга тушса — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Қонун қонунлигича — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (21.45).

Тақиқланган муҳаббат — ҲАМЗА номли (11.00, 13.00, 15.00, 19.00, 21.00).

Мессе фермасининг сири — «СПУТНИК» (12.00, 22.00).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

10—11 сентябрда

А. С. ПУШКИН НОМЛИ БОҒДА

Бутуниттифоқ ашула ва рақс ансамбллари конкурсининг дипломанти, Кува район

«АНОР»

Халқ ашула ва рақс ансамблининг

КАТТА КОНЦЕРТИ

Қатнашадилар — Республика «МАРҲАБО ТАЛАНТЛАР» фестивалининг лауреати

САЁҲАТ МАЛИКОВА, республика вокалчилар конкурсининг дипломанти Жўрахон Камолова, солистлар: Турсуной Дўқонова, Мавлудахон Қўлдошева, Абдусалом Умаров, Жалолиддин Насриддинов, Марҳабо Юсупова, Абдумаиной Бозоров, Нуриддин Ҳайдаров, Гулчеҳра Нишонова, Мусажон Холматов, Собир Толипов ва бошқалар.

Бадиий раҳбар — Муҳторжон Тешабоев.

Музика раҳбари — Ёқубжон Раҳимов.

Саҳнага қўювчи — Азиз Азизов.

Кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 СЕНТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

СССР халқ артисти

МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА

ва ХАЙРУЛЛА ЛУТФУЛЛАЕВ

иштирокида

«БАҲОР» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

Билетлар сотилмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В36495. Редактор ўринбосарлари — В35885, В37916. Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786. Партия турмуши, ахборотва спорт бўлимлари — В35811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В37045. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Р—02659. Индекс 64634.